

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ОДИЛ ОЛИМЖОНОВИЧ ЗАРИПОВ

**1867–1917 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР ЭГАЛИГИ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТИЗИМИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Одил Олимжонович Зарипов

1867–1917 йилларда Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятида ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш тизими.....3

Odil Olimjonovich Zaripov

The system of land ownership and water use in the Syrdarya region of the Turkestan Governor-General in 1867–1917.....25

Одил Олимжонович Зарипов

Система землевладения и водопользования в Сырдарьинской области Туркестанского генерал-губернаторства в 1867–1917 гг.
.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ОДИЛ ОЛИМЖОНОВИЧ ЗАРИПОВ

**1867–1917 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР ЭГАЛИГИ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТИЗИМИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.4.PhD/Tag308. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шухрат Бахронович Мухамедов
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бахтияр Эргашевич Эргашев
тарих фанлари доктори, профессор

Дилшод Жамолiddинович Ураков
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.02/30.12.2019.Tag.56.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «23» декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Гуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz).

Диссертация билан Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (65 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил «5» декабр куни тарқатилди.
(2022 йил «5» декабр даги 16 рақамли реестр баённомаси).



Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А.Аллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда бугунги кунда мавжуд ер ва сув манбалари захирасининг камайиши дунёдаги асосий глобал муаммога айланмоқда. Айниқса, Осиё қитъасида мазкур муаммолар келиб чиқишининг тарихий илдизлари ҳам бор бўлиб, ушбу минтақанинг аксарият қисми XIX-XX асрларда истибдод даврини бошидан кечиргани ҳамда унинг ер-сув манбалари мустамлакачилар томонидан тасарруф қилингани билан узвий боғлиқдир. Айни шу жихатдан мазкур масалаларнинг тарихий илдизларини ўрганиш бугунги кун талаби даражасига кўтарилиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларида Туркистоннинг мустамлака хукмронлиги шароитидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш борасида илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Мазкур изланишларда XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон иқтисодиётининг асоси бўлган аграр соҳа, ер эгаллиги ҳамда вақф мулкчилиги масалалари ҳам тадқиқ қилинмоқда. Бироқ алоҳида ер-сув муносабатлари тарихига оид комплекс тадқиқотнинг олиб борилмагани, мустамлака даврида ер эгаллиги ва сув хўжалиги тизимидаги шарият қоидалари амалиёти ҳамда унга империя қонунчилигининг таъсири, суғориш бошқарувидаги ўзгаришлар ва унинг халқ хўжалигига таъсири масалаларини ўрганиш ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистонда аграр соҳа, ер-сув муносабатлари тизимини ислоҳ этишда илм-фаннинг янги инновацион ютуқларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳанинг тарихий тажрибасини ҳам умумий Ўзбекистон тарихи кесимида тадқиқ этиш долзарб саналиб, “холисона ёндашув асосида ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни амалга ошириш, ўтмишнинг сохталаштирилишига йўл қўймаслик”¹ вазифаси кун тартибига қўйилди. Чунки “ўз вақтида сув ресурсларидан ўйламай фойдаланиш оқибатида бу ҳудудлардаги минглаб одамлар азоб чекишмоқда...”². Шу жихатдан, мустамлака даври Туркистонда ер-сув масалаларини бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиш, империя ҳукуматининг ўлкада амалга оширган ер эгаллиги ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги сиёсати ҳамда унинг Туркистон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсирини ўрганиш долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 292-сон қарори, <https://lex.uz/docs/3207162> (06.12.2021 йил)

² Президент Республикаси Узбекистан Шавкат Мирзиёев: «Мы вместе построим наше общее прекрасное будущее» // Казахстанская правда. <https://www.kazpravda.kz/articles/view/shavkat-mirziyev-mi-vmeste-postroim-nashe-obshchee-prekrasnoe-budushchee>. (06.12.2021 йил)

2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур мавзу илмий тадқиқотнинг мустақил объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида тадқиқ этилаётган ҳудуднинг хонлик ва Россия империяси мустамлакачилиги даври ер-сув муносабатлари тарихи қиёсий жиҳатдан ўрганилгани боис ушбу масалаларни ўз ичига қамраб олган адабиётларнинг кўлами анча кенг ва ранг-барангдир. Шу сабабдан мавзуга оид тадқиқотлар хронологик кетма-кетликка кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1) 1917 йилгача амалга оширилган ишлар; 2) совет йилларида бажарилган тадқиқотлар; 3) мустақиллик йилларида эълон қилинган ишлар; 4) хорижда амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар Туркистонда Россия империяси мустамлакачилиги тарихининг иқтисодий-ижтимоий масалалари кесимида кўриб чиқилган³. Улар ичида Н.Дингельштедт, Г.Черданцев, Г.Гинс,

³ Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о Коканском ханстве от Мухаммеда-Али до Худаяр-Хана // Труды Восточного отделения Императорского археологического общества. Ч. 2. – Санкт-Петербург, 1856. – 370 с.; Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – Санкт-Петербург, 1867. – 72 с.; Романовский Д.И. Заметки по Среднеазиатскому вопросу (С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства). – Санкт-Петербург, 1868 – 293 с.; Кун А. Очерк Коканского ханства. Известия Императорского Русского географического общества. Т. 12. №1. 1876. – С. 1-12; Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – Санкт-Петербург, 1882. – 43 с.; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886. – 215 с.; Благовещенский В.И. К вопросу о вакуфах в Сырдарьинской области. Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области издание Сырдарьинского Статистического Комитета. Ташкент, 1891. – С. 21-22; Гродеков, Н.И. Киргизы и каракиргизы Сырдарьинской области. Т.1. Юридический быт / Материал собран Вышнегорским Г. – Ташкент: Типолитография С.И. Лахтина, 1889. – 215 с.; Русинов, В. Водоземельные отношения и община у туркмен. – Ташкент, 1889. – 55 с.; Дингельштедт Н.А. Опыт изучения ирригации Туркестанского края: Сырдарьинская область. Ч. 1. Обычное право. Водное хозяйство; Ч. 2. Современное состояние ирригаций с пятью картами. / Николай Дингельштедт. – Санкт-Петербург, 1893. – 514 с.; Гейнс А.К. Собрание литературных трудов, т. II. – Санкт-Петербург, 1898. – 742 с.; Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. Типография брат. Пантелеевых. – Санкт-Петербург, 1898. – 33 с.; Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – Санкт-Петербург: Тип. СПб. градоначальства, 1898. – 512 с.; Шишов А.П. Таджики: этнографическое и антропологическое исследование. – Ташкент, 1910. Ч.1: Этнография. 1910. – 326 с.; Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего / Г.Н. Черданцев. – Ташкент, 1911. – 36 с.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и в настоящем. Исторический очерк. – Ташкент, Типография Эл.-паров, типолит. О.А.Порцев, 1912. – 204 с.; Материалы по изучению хозяйства оседлого туземного населения в Туркестанском крае: Сартовское хозяйство в Чимкентском уезде Сырдарьинской области. – Ташкент, 1912. – 83 с.; Гинс Г.К. Основные начала проекта водного закона для Туркестана. – Санкт-Петербург: Типогр. Вайсберга Ф. и Гершунина П., 1912. – 76 с.; Кривошеин А.В.

Н.Бенцелевич, А.Шахназаров, Н.Гродеков, А.Миддендорф, В.Русинов, А.Добросмыслов, В.Благовещенскийларнинг асарлари айнан ер-сув муносабатларига бағишланган. Бироқ мазкур муаллифларнинг асарлари Туркистоннинг ер-сув манбаларини империя манфаатларига йўналтириш нуқтаи назаридан амалга оширилган тадқиқотлар эканлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Иккинчи гуруҳга оид тадқиқотлар коммунистик мафкура ҳамда синфийлик назарияси тамойилига асосланган⁴. Шундай бўлса-да, булар ичида XX асрнинг 20-йилларида яратилган Н.Маллицкий, Е.Покровский, А.Шмидт ёки муҳожирликда ёзилган Аҳмад Заки Валидий асарлари, шунингдек, 1950–1970 йилларда яратилган А.Троицкая, А.Маджлисов, Р.Набиев, А.Жувонмардиевнинг ишлари шарқшунослик ва манбашунослик жиҳатидан алоҳида қийматга эга⁵. Чунки ушбу муаллифлар қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларини ёритишда нафақат архив материалларини, балки тарихий кўлёзма асарларни ҳам кенг жалб қилган.

Учинчи гуруҳга Ҳ.Зиёев, Н.Абдурахимова, Д.Зиёева, С.Шодмонова, Ш.Мухамедовнинг ишлари⁶ ва У.Жумаев, Н.Қурбонова, Д.Ураков,

Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о проезде в Туркестанский край. – Санкт-Петербург, 1912. – С. 305; Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана. – Санкт-Петербург, 1914. – XIV, 249, VIII с.

⁴ Дембо Л.И. Земельный строй Востока. Издание института живых восточных языков им. А.С. Енукидзе. 1927. – 120 с.; Галузо П.Г. Туркестан – колония (очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). – Москва: издание КУТВ, 1929. – 164 с.; Валиев А.Х. Положение дехканства Ферганы в конце XIX – в начале XX веков. – Ташкент. 1958. – 52 с.; Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. – 297 с.; Ишимов М.П. Право водопользования в Узбекской ССР: дис. ... канд. юрид. наук. – Ленинград, 1962. – 318 с.; Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане (в проектах и законе 1867–1886 гг.). – Ташкент, 1963. – 207 с.; Хасанов Ф.С. Развитие торгового земледелия в Туркестане во второй половине XIX – начале XX веков (По материалам Сырдарьинской области): автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1964. Галузо П.Г. Аграрные отношения на юге Казахстана 1867–1914 гг. – Алматы, 1965. – 345 с.; Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. – Душанбе-Алма-Ата: “Ирфон”, 1967. – 333 с.; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – 256 с.; Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. – Москва: “Наука”, 1969. – 156 с.; Мухаммаджонов А.Р. Куйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент: Фан, 1972. – 300 б.; Юнусходжаева М.Ю. Из истории землевладения в дореволюционном Туркестане. – Ташкент: Фан, 1970. – 112 с.; Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии: конец XIX – начало XX вв. – Ташкент: Фан, 1987. – 145 с.

⁵ Маллицкий Н.Г. Обычное право водопользования в Ташкентском районе и отношение его к шарияту. // Вестник ирригации. 1925. – № 4. – С. 15-25; Покровский Е.П. Развитие водного права в Средней Азии. // Вестник ирригации. 1926. № 7. – С. 3-16; Шмидт А. «Шариат и право водопользования в Средней Азии». Народное хозяйство Средней Азии. 1926. № 8-9. – С. 3-16; Аҳмад Заки Валидий. Бугунги Туркистон ва яқин мозиси. – Қоҳира. 1940. – 704 б.; Чехович О.Д. О некоторых вопросах истории Средней Азии к середине XVIII-XIX веков. // Вопросы истории. 1956. – № 3. – С. 84-95; Шалашилин И.Е. К вопросу о причинах отставания районов орошаемого земледелия Средней Азии к середине XIX века. // Вопросы истории. 1960. – № 9. – С. 33-52; Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент, 1965. – 182 б.; Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. – Москва: “Наука”, 1968. – 588 с.; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – Ташкент, 1973. – 388 с.

⁶ Зиёев Ҳ. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги учун кураш ва унинг Россия хомашёси манбаига айлантирилиши. – Тошкент: Фан, 1995. – 96 б.; Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар. // Шарқ юлдузи. 1995. № 3-4. – Б. 214-221.; Зиёева Д. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида чоризмнинг Туркистон моддий бойликларини ўзлаштириш сиёсати. // “O‘zbekiston tarixi” илмий журнали. – Тошкент, 2000. – № 1-2. – С. 22-37; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – 240 б.; Болтабоев С. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. – Наманган: Наманган, 2005. – 58 б.; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). –

А.Базарбаев, У.Ўсаровнинг диссертацияларида Туркистон мустамлака даври тарихига холис баҳо берилганини алоҳида қайд этиш лозим⁷. Асосан, рус архив ҳужжатлари, тарихий асарлар ва даврий матбуот маълумотлари асосида ишланган ушбу тадқиқотларда Россия империясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати очиб берилган. Масалан, Ҳ.Зиёев асарларида ер-сув муносабатлари мустамлака ҳукуматининг пахта етиштириш сиёсати билан боғлиқликда, У.Ўсаровнинг ишида умум Туркистондаги ер-сув муносабатларига оид сиёсат мустамлака маъмурлари ҳисоботлари асосида таҳлил қилингани диққатга сазовор. Шунингдек, Туркистонда мустамлака бошқарув тизимига оид фундаментал тадқиқотлардан бири ҳисобланган Н.Абдурахимованинг монографиясида суғориш ва солиқ маъмуриятининг рус бошқарув тизимига ўтказилиши ва унинг оқибатлари таҳлилини алоҳида қайд этиш мумкин. Бироқ ер-сув муносабатлари масалаларини ёритишда мазкур тадқиқотларда маҳаллий манбалар ва миллий матбуот маълумотларидан кам фойдаланилган. Шундай бўлса-да, ушбу адабиётлар мазкур тадқиқот иши учун услубий жиҳатдан ёрдам беради.

Тошкент, 2006. – 352 б.; Насритдинов Қ. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX аср иккинчи – XX аср биринчи ярми). – Тошкент, 2009. – 224 б.; Воҳидов Ш. Кўкон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 316 б.; Исоқов З. Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти. – Тошкент, 2011. – 142 б.; Шодмонова С.Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 296 б.; Азизов И. XIX асрнинг сўнги чораги XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигида хароҷ солиғи. // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахборот. 2012. № 4. – Б. 25-27.; Абдурахимова Н. Колониальная система власти в Туркистане во второй половине XIX – в начале XX века. // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2014. – № 1. – С. 71-80.; Абдурашулов У.А. Правовая и фискальная динамика землевладения в Хорезме (XIX – начало XX в.). // Восток (Oriens). – 2015. – Б. 32-46.; Духовный В.А., де Шуттер Ю. Вода в Центральной Азии прошлое, настоящее и будущее. – Kazak universiteti, 2018. – 466 с.; Мухамедов Ш.Б. Особенности землевладения и водопользования в Средней Азии и Алжире в XIX в. // Метаморфозы истории. 2019. – № 13. – С. 108-124.; Мухамедов Ш.Б. Россия и Средняя Азия: страницы истории, личности, мнения. – Ташкент: Baktria press, 2020. – 372 с.; Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Ташкент: Akademnashr, 2020. – 246 б. Исоқова М. Мустамлакачилик даври тарихини тадқиқ этиш борасидаги айрим мулоҳазалар. // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2021. – № 1. – С. 24-39.

⁷ Хаклиев В.Б. Сельская община северной Ферганы в конце XIX – начале XX вв: автореф. дис. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1998 – 27 с.; Маллабоев Б.Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Аҳрор авлодлари вақф мулкчиси мисолида): тарих фан. номз. ... дисс. – Наманган, 2004. – 163 б.; Ураков Д. Туркистонда Россия империяси маъмуриятининг расмий ҳисоботлари (XIX аср охири – XX аср бошлари): тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 136 б.; Жумаев У. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши: асосий босқичлари ва таракқиёти: тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 175 б.; Курбонова Н. Чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати ва унга қарши кураш: тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 32 б.; Султонов Ў.А. Тошкент вақф ҳўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016. – 92 б.; Базарбаев А.М. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда аграр муносабатлардаги ўзгаришлар: тарих фанл. бўй. фалс. док. ... дисс. (PhD). – Тошкент, 2018. – 170 б.; Ҳайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар (XIX аср охири – XX аср бошлари): тарих фан. бўй. фалс. док. ... дисс. автореф. (PhD). – Андижон, 2020. – 24 б.; Исакова Ф.Р. Фарғона водийси кишлоқларидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва маданий ҳаёт (XIX аср охири – XX аср биринчи чораги): тарих фан. бўй. фалс. док. ... дисс. автореф. (PhD). – Андижон, 2021. – 24 б.; Мирзаев Н.М. XIX–XX аср бошларида Тошкент қозихоналарида ижтимоий муносабатларга оид ҳужжатлар. Тарих фан. бўй. фалс. док. ... дисс. автореф. (PhD). – Тошкент, 2021. – 52 б.; Усаров У.А. Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги ер-сув муносабатларига оид сиёсати. Тарих фан. бўй. фалс. док. ... дисс. автореф. (PhD). – Тошкент, 2021. – 51 б.

Тўртинчи гуруҳ адабиётлари эса хорижда мустамлака даври Туркистон тарихи ҳақида қизиқарли таҳлил ва хулосалар акс этган тадқиқотлар⁸ ҳисобланади. Улар ичида М.Иоффе, А.Моррисон, П.Сартори, Б.Пенати, С.Абашин, Р.Почекаев, П.Шаблей, С.Левайларнинг ишларида ер-сув муносабатлари ҳам ёритиб ўтилган. Хусусан, Александр Моррисонинг Самарқанд ва Беатриче Пенатининг Фарғона вилоятлари мисолида олиб борган тадқиқотлари⁹, жаҳон тарих илмида микротарих усулида бутун давр ва минтақа тарихига баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат бериб, мазкур ишнинг ҳам аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг “Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи (энг қадимги

⁸ Williams D.S.M. Land Reform in Turkestan // *The Slavonic and East European review*. 1973. – Т. 51. – №. 124. pp. 428-438; Yaroshevski D.B. Russian Regionalism in Turkestan // *The Slavonic and East European Review*. – 1987. – pp. 77-100; Joffe M. Autocracy, capitalism and empire: the politics of irrigation // *The Russian Review*. 1995. – Т. 54. – №. 3. pp. 365-388; Литвинов П.П. Государство и ислам в Русском Туркестане (1865–1917) (по архивным материалам). – Елец, 1998. – 320 с.; Абашин С. Н. Быть или не быть общине в Туркестане: споры в русской администрации в 1860-18 80-х годах // *Вестник евразии*. 2001. – №. 4. – С. 35-62; Абашин С.Н. Ислам в бюрократической практике царской администрации Туркестана (Вакуфное дело дахбитского медресе, 1892–1900) // *Сборник русского исторического общества*. – Т. 7 (155). – Россия и мусульманский мир. – М., 2003. – С. 163-191; Crews R. For prophet and tsar: Islam and Empire in Russia and Central Asia. – Cambridge, Mass; London, 2006. – 408 p.; Загидуллин И.К. Вакуфы в имперском правовом пространстве // *Ислам и благотворительность. Материалы всероссийского семинара «Ислам и благотворительность»*. – Казань, 2006. – С. 44-103; Центральная Азия в составе Российской империи / отв. редакторы Абашин С.Н., Арапов Д.Ю., Бекмаханова Н.Е. – М.: НЛЮ, 2008. – 464 с.; Sartori P. Colonial legislation meets shari'a: Muslims' land rights in Russian Turkestan // *Central Asian Survey*. 2010. – Т. 29. – №. 1. pp. 43-60; Penati B. Swamps, sorghum and saxauls: marginal lands and the fate of Russian Turkestan (c. 1880–1915) // *Central Asian Survey*. – 2010. – Т. 29. – №. 1. pp. 61-78; Фурсов К. Имперская экономическая политика в Русском Туркестане и Британской Индии: сходства и различия // *Восток. Афро-азиатские общества: история и современность*. 2010. – № 6. – С. 28-44; Isogai K. Seven Fatwa Documents from Early 20th Century Samarqand. The Function of Mufti in the Judicial Proceedings Adopted at Central Asian Islamic Court // *Annals of Japan Association for Middle East Studies*. 2011. – № 27-1. pp. 258-282; Penati B. The Cotton Boom and the Land Tax in Russian Turkestan (1880–1915) // *Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History*. 2013. – Т. 14. – № 4. pp. 741-774; Моррисон А. «Мы не англичане...» К вопросу об исключительности российского империализма // *Восток свыше*, 2015. – № 3. – С. 69-79; Peterson M. K. Engineering Empire. Russian and foreign hydraulic experts in Central Asia, 1887-1917 // *Cahiers du monde russe. Russie-Empire russe-Union soviétique et États indépendants*. 2016. – Т. 57. – № 57/1. pp. 125-146; Sartori P. Visions of Justice: Shari'a and Cultural Change in Russian Central Asia. – Brill, 2016. – 392 p; Penati B. “A field upstream is better than a mirab brother”: who paid for water in Tsarist Turkestan // *Workshop Water and Power*. – OSU. 12-14 May 2016. pp. 1-23; Алимджанов Б.А. Экономическая политика Российской империи в Туркестанском генерал-губернаторстве (вторая половина XIX- начало XX вв.): дис. ... канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 376 с.; Levi S. C. The Rise and Fall of Khoqand, 1709-1876: Central Asia in the Global Age. – University of Pittsburgh Press, 2017. – 288 p.; Pochekaev R. 'Water Law' as an Instrument of Russian Imperial Policy in the Central Asian Khanates // *Higher School of Economics Research Paper No. WP BRP*. 2017. – Т. 73. pp. 1-17.; Kim L., Pianciola N. Introduction: Watering the Land-Based Empires // *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. 2019. – Т. 62. – №. 4. pp. 525-559; Сартори П., Шаблей П. Эксперименты империи: Адат, шариат и производство знаний в Казахской степи. – Новое Литературное Обозрение, 2019. – 280 с; Fatih Çolak. Alman İmparatorluğu ve Türkistan (1910-1920). – Konya. Çizgi Kitabevi, 2019. – 400 s.

⁹ Morrison A.S. Russian rule in Samarkand, 1868–1910: A comparison with British India. – University of Oxford (United Kingdom), 2008; Morrison A. Amlākdārs, Khwājas and Mulk land in the Zarafshan Valley after the Russian Conquest. / *Explorations in the social history of Modern Central Asia (19th-early 20th century)*. Ed. Paolo Sartori, 2013. pp. 1-38; Penati B. Notes on the Birth of Russian Turkestan's Fiscal System: A View from the Fergana Oblast' // *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. 2010. – Т. 53. – №. 5. pp. 739-769; Penati B. Life on the Edge: Border-Making and Agrarian Policies in the Aim District (Eastern Fergana), 1924–1929 // *Ab Imperio*. 2014. – Т. 2014. – №. 2. pp. 193-230.

замонлардан ҳозиргача)” номли ўн жилдлик академик илмий асар илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятида ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш тизимидаги мавжуд анъаналар ва мустамлака даврида рўй берган ўзгаришларнинг Ўзбекистонда ер мулкчилиги ҳамда сув ҳуқуқи тарихида тутган ўрнини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистон ерларига Россия империясининг тажовузи арафасида ҳудудда ерга эгалик қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

Россия империяси истилоси арафасида ўлкада мавжуд сув ҳуқуқи ва сув хўжалиги тизимини тадқиқ этиш;

ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти тўғрисида янги маълумотлар берувчи тарихий ҳужжатлар ва бошқа турдаги манбаларни илмий муомалага киритиш;

ер эгалигидаги ўзгаришлар, солиқ ва кўчириш сиёсатининг халқ турмушига таъсирини ёритиш;

сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва сув хўжалиги соҳасидаги ўзгаришларни ҳамда уларнинг оқибатларини таҳлил этиш;

мустамлака даврида ер-сув муносабатларида шариат ва одат ҳуқуқи амалиётининг тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

вақф ерларига нисбатан олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиқ бериш;

тадқиқот юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини 1867–1917 йилларда Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятида ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Россия империяси мустамлакачилиги даврида Сирдарё вилояти мисолида Туркистонда ер эгалиги муносабатлари, сув ҳуқуқи, сув хўжалиги тизими, солиқ тизимидаги ўзгаришлар ҳамда ушбу даврда амалда бўлган мусулмон ер-сув муносабатларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида нарратив, микротарих, қиёсий ва мантиқий таҳлил каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Россия империяси бошқаруви ўрнатилгач, Сирдарё вилоятининг экин ерларига мустамлакагача мавжуд бўлган ҳосилдан олинган солиқлар билан бирга мулк солиғининг ҳам жорий қилингани, бунинг натижасида ер нархининг пасайгани; ер мулкчилигига фақатгина давлат ва хусусий тушунчалари қўллангани сабабидан жамоа ерларининг тугатилганлиги, вақф ерларининг кескин камайгани аниқланган;

Сирдарё вилояти мисолида мустамлака ҳукуматининг ўлкада ерга эгалик қилиш ҳамда сувдан фойдаланиш тизимида мукамал қонун ва қоидаларни ишлаб чиқмагани, аграр соҳани ривожлантиришга давлат хазинасидан маблағ ажратишни хоҳламагани, унинг ўрнига мавжуд тартиб ва суғориш

манбаларини империя манфаатларига бўйсундирилган ҳолда сақлаб қолишга ҳаракат қилгани исботланган;

XIX аср охири – XX аср бошларида Сирдарё вилояти ер эгаллиги муносабатларида “шуфъа” – қўшничилик ҳуқуқи амалиёти кенг қўллангани, хусусан, ер сотиб олишда қўшнининг устунлиги, ушбу ҳуқуқнинг ер олди-сотди муносабатларида жамоа яхлитлигини сақлашга қаратилгани, Туркистонда ушбу ҳуқуқ суғориш иншоотларига нисбатан ҳам қўллангани далилланган;

Сирдарё вилоятидаги суғориш иншоотларининг барчаси империя мулкига айлантирилиши, мавжуд сув манбалари эвазига пахта ерларининг кўпайиши ҳамда миллий суғориш бошқарув тизими вакилларининг рус маъмурий тизими бўғинига айлантирилиши натижасида Туркистонда суғориш тизими ишдан чиққани; аҳоли ўртасида сувни тенг тақсимлашда адолатсизликларга йўл қўйилгани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мустамлака давр миллий тарихчиларнинг асарлари, архив ҳужжатлари, статистик тўплам ва ҳисоботлардан ташқари, архивда мавжуд аҳоли мурожаатлари ва миллий матбуотнинг мазкур масалага оид маълумотлари илмий истеъмолга киритилиб, улар асосида ўлкадаги ер-сув муносабатлари очиқ берилган;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари ер-сув муносабатларига доир 265 га яқин ҳужжат, шундан, 20 та аҳоли мурожаати (ариза, шикоят ва таклифлар), 25 та хонлик даври ер эгаллиги, солиқлар ва сув хўжалигига тегишли патта ва муборакномалар, 10 га яқин ривоят, 30 га яқин ер олди-сотдиси, “шуфъа”, “ижара”, “тамлик”, “ибро”га оид қозилик ҳужжатлари, шунингдек, 50 га яқин қозилар дафтари қайдлари, 10 га яқин нотариус ҳужжатлари, шунингдек Туркистон даврий матбуотидаги 100 га яқин мақолалар аниқланиб, илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация мавзуга доир архив ҳужжатлари, қўлёзма манбалар, рус маъмурларининг ҳисобот ва хотиралари, статистик тўпламлар, мустамлака ва жаҳид даврий матбуоти материаллари асосида ёзилгани, жумладан, Ўзбекистон Миллий архиви жамғармаларидаги¹⁰ рус, араб имлосида ёзилган форс ва ўзбек тилидаги қозилик ҳужжатлари, ривоятлар, аҳоли мурожаатлари, Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасидаги¹¹ миллий тарихчиларнинг қўлёзма асарлари, жаҳид ва рус

¹⁰ ЎзМА, Ф. – И-1 – Туркистон генерал-губернатори девонхонаси ҳужжатлари; ўша жойда: И-7 – Деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармаси ҳужжатлари; ўша жойда: И-17 – Сирдарё вилоят бошқармаси ҳужжатлари; ўша жойда: И-36 – Тошкент шаҳар бошлиғи девонхонаси ҳужжатлари; ўша жойда: И-164 – Тошкент қози калони ҳужжатлари; ўша жойда: И-362 – Тошкент шаҳар қозилар съезди ҳужжатлари; ўша жойда: И-364 – Кўкча даҳаси қозиси ҳужжатлари; ўша жойда: И-717 – Туркистон генерал-губернатори кенгаши журнали; ўша жойда: И-1008 – Хомутов шахсий жамғармаси; ўша жойда: И-1043 – Қўқон хонлари архиви; ўша жойда.

¹¹ Мухаммад Юнус ибн Мухаммад Амин - Мухаммад Юнус Тоиб. Тарихи Аликули Амирлашқари. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 12136; Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 11108; Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 2084; Мухаммад Солих ибн Мухаммад Раҳим Тошкандий. Тарихи жаҳида-и Тошканд. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 7791, 5732, 11072, 11073.

даврий матбуоти¹² каби бирламчи манбаларга таянилгани, Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилингани, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар ер-сув муносабатлари мисолида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Туркистон тарихини ўрганишдаги услубий ёндашувлар, янгича илмий қарашлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид назарий хулосаларни такомиллаштиришга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон тарихининг мустамлака давр тарихини тўлдириши, тарихчилар, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, ҳуқуқшунослар, исломшунослар учун амалий қўлланма вазифасини ўташи, шунингдек, талаба ва мутахассис тингловчилар учун махсус ўқув курси, семинар ва тадбирлар учун кенг фойдаланишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятида ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини ўрганиш натижасида олинган илмий янгиликлар ва амалий таклифлар асосида:

Сирдарё вилояти мисолида мустамлака ҳукуматининг ўлкада ерга эгалик қилиш ва сувдан фойдаланиш тизимида мукамал қонун ва қоидаларнинг ишлаб чиқмагани, аграр соҳани ривожлантиришга давлат хазинасидан маблағ ажратилмагани, унинг ўрнига мавжуд тартибни империя манфаатларига бўйсундирилган ҳолда сақлаб қолишга ҳаракат қилгани, ер эгалиги муносабатларида “шуфъа” – қўшничилик ҳуқуқи амалиёти кенг қўллангани, ушбу ҳуқуқ суғориш иншоотларига нисбатан ҳам қўллангани каби маълумотлардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Очиқ дарс” кўрсатуви сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2022 йил 24 февралдаги 06-28-459-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ер-сув муносабатлари тарихи тўғрисида янги маълумотларни оммалаштиришга хизмат қилган.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи доимий экспозициясининг “XIX–XX асрларда Ўзбекистон” бўлимида Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятининг ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш тизимининг ҳолати, суғориш иншоотларининг барчаси давлат тасарруфига ўтказилгани, вақф ерларининг кескин камайгани, мавжуд сув манбалари эвазига пахта ерларининг кўпайиши ҳамда миллий суғориш бошқарув тизими вакилларининг рус маъмурий тизими бўғинига айлантирилиши, сув тақсимотидаги адолатсизликларни кенг ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар

¹² Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қўлёзмалар ва нодир нашрлар базасидаги “Таржимон”, “Тужжор”, “Шухрат”, “Хуршид”, “Тараққий”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Вакт”, “Туркистон вилоятининг газети” “Современная летопись”, “Голос”, “Туркестанские ведомости” газеталари.

Академиясининг 2022 йил 15 июндаги 3/1255-1380-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар музей жамғармалари ва кўрғазмасини тарихий ҳужжатлар, илмий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган. Шунингдек, музей ходимларининг касбий фаолиятларини такомиллаштириш, музейга ташриф буюрувчиларда XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка иқтисодиёти, айниқса, қишлоқ хўжалигининг аҳволи ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ҳамда Фанлар академияси Тарих институти Ёш олимлар кенгашида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (улардан 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда), 12 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловадан иборат бўлиб, ишнинг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Россия империясининг тажовузи арафасида Сирдарё худудларида ер эгаллиги ва сувдан фойдаланиш тартиби”** деб номланган биринчи бобида Россия империяси истилосига қадар Сирдарё вилояти худудида ер-сув муносабатларига доир маълумотлар акс этган.

Истилогача мазкур худуднинг катта қисми Қўқон хонлигининг маъмурий бўлаги ҳисобланиб, Тошкент беклиги орқали бошқарилган¹³. Шу сабабдан мазкур худудлардаги ер эгаллиги муносабатларини кўпроқ Қўқон хонлиги қонунчилиги доирасида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур бобнинг **“Ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари”** деб номланган биринчи параграфида ер эгаллиги масалалари таҳлил қилинган. Марказий Осиёнинг барча хонликларида бўлгани каби,

¹³ Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент, 2009. – Б. 16; Султонов Ў. Тошкент Қўқон хонлиги таркибида (“Тарихи жадидайи Тошканд” ва “Хулосат ул-аҳвол” асарларидаги маълумотлар таҳлили). // O‘zbekiston tarixi, 2007. – № 2. – Б. 59.

Қўқон хонлигида ҳам ерлар эгалиги жиҳатидан, асосан, учга: давлат, хусусий ва вақф ерларга бўлинган.

Хонлик хўжалик ҳужжатларида давлат ерларига нисбатан “замини мамлакаи ханийа”¹⁴ ёки мирий, подшойи атамалари ишлатилади, эгасиз ерлар эса “замин била малик”¹⁵ сифатида келтирилган. Эътиборлиси шундаки, Қўқон хонлиги ҳужжатларида давлат ерларига нисбатан амлок атамаси учрамайди. Ҳужжатларда амлок номи остида, асосан, хусусий мулклар назарда тутилган.

Хусусий ерлар икки тоифага: солиқдан озод этилган ва солиқ тўловчи мулкларга ажратилган. Ерни солиқдан озод этилган “мулки хурри холис”га айлантриш учун мулк эгаси ўз ҳосилидан солиққа тўлайдиган улуши миқдоридаги ерини давлат ҳисобига ўтказиши шарт қилиб қўйилган¹⁶. Тошкент беклиги ҳудудида Қўқон хонлари томонидан давлат олдидаги хизматлари учун турли шахсларга давлат ерларидан хусусий мулк сифатида ажратиб берилган “тархон” ерлар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд¹⁷. Шахсий мулк ерларининг олди-сотди амалиёти, мерос қолдириш ва вақфга ўтказиш ҳужжатлари хонликда ушбу мулк шаклининг эркин тасарруф этиш ҳуқуқи таъминланганини кўрсатади. Масалан, худди юқоридаги каби Авлиёотада Аҳмад парвоначи ерларни вақфга айлантиргани ҳам маълум¹⁸. Биз тадқиқ этаётган ҳудудда вақф ерларининг асосий улуши Тошкент ҳудудига тўғри келар эди. Айнан Тошкент ҳудудидаги вақф ерлари кейинчалик мустамлакачилар ҳужумига учради.

Айрим тадқиқотчилар Туркистонда ва умуман бутун Марказий Осиёда ер эгалигида жамоа ерлари мавжудлигини шубҳа остига олишади¹⁹. Мазкур ерлар давлат ёки маълум бир шахс мулкида бўлиб, деҳқон жамоаларида фақатгина ердан фойдаланиш ҳуқуқи бўлган, деган фаразни келтиришади. Аммо мавжуд манба ва архив ҳужжатлари қадимда Туркистонда айнан жамоа эгалигидаги ерлар ҳам бўлганини кўрсатади. Масалан, Тошкент шаҳри шимолида жойлашган Хумсон қишлоғида жамоа эгалигидаги ерлар XX аср бошларигача сақланиб қолган.

Жамоа ерларидан ташқари ҳудудда мавжуд ер эгалиги шаклларининг барчасида ижара асосида деҳқонлар ишлаган. Масалан, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий Бўрижар ариғи бўйида жойлашган ерларида “чорикор” ижарачилардан ташқари ўзининг ишчилари “хизматкорон” ҳам ишлаганини келтириб ўтади²⁰. Чорикор етиштирган ҳосилининг 1/5 қисмини хароғга

¹⁴ ЎзМА, И-1043-жамғарма, 1-рўйхат, 3-ҳужжат.

¹⁵ “زمين بلا مالك” – форс. араб. эгасиз ер.

¹⁶ Гейнс А.К. Управление Ташкентом при кокандском владычестве. (Как характеристика администрации среднеазиатских городов). Собрание литературных трудов. Т. II, – Санкт-Петербург, 1898. – С. 441.

¹⁷ ЎзМА, И.17-жамғарма, 1-рўйхат, 13271-йиғмажилд, 6-варақ.

¹⁸ ЎзМА, И.1008- жамғарма, 1-рўйхат, 84-иш, 7-варақ.

¹⁹ Мустамлака даврида Туркистонда жамоа ерларнинг мавжудлиги масаласи кўп муҳокамаларга сабаб бўлган, аксарият мустамлака даври тадқиқотчилари ўлкада жамоа ерларининг борлигини инкор қилишган. Бу ҳақда батафсил қаранг: Абашин С.Н. Быть или не быть общине в Туркестане: споры в русской администрации в 1860-1880-х годах // Вестник евразии. 2001. – №. 4. – С. 35-62.

²⁰ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, № 2084, 212а-варақ.

тўлагач, қолган ҳосилнинг 3/4 қисмини ер эгасига топширган²¹. Унинг ўзида ҳосилнинг 1/4 қисми қолган, шунинг учун ҳам “чоряк” – тўртдан бир қисмга ишловчи деб аталган.

Россия империяси истилосига қадар ер эгаллигига оид солиқлар мазмунан ер солиғини билдирса-да, мулк солиғи эмас эди. Ердан олинган ҳосилнинг 1/10 ёки 1/5 миқдорида хароҷ олинган. Таноб пули ёки танобона – ишлов берилган ернинг ҳар бир таноби миқдорида йиғилган солиқ. Натура шаклида йиғиш ноқулай бўлгани учун танобона пул билан 11 тангадан 3 тиллогача бўлган миқдорда олинган. Айтиш мумкинки, Россия империяси босқини арафасида Тошкент, Туркистон, Чимкент ва шунингдек, хонликнинг кўчманчи қозоқлар яшайдиган дашт ҳудудларида солиқлар миқдори ҳаддан ташқари ошиб кетади²². Албатта, бу ҳолат маҳаллий маъмуриятнинг ўзбошимча сиёсати ўлароқ вужудга келган.

Мазкур бобнинг “Сув хўжалиги тизимидаги ҳуқуқий муносабатлар” деб номланган иккинчи параграфида суғориш бошқаруви ва сувдан фойдаланиш соҳаси таҳлилига доир масалалар ёритиб берилган.

Қўқон хонлиги тарихига оид архив манбаларида хонликдаги сувдан фойдаланиш масаласига тегишли ҳужжатлар кам сақланиб қолган²³. Тошкент руслар томонидан ишғол қилинишидан олдин, Қўқон хонлиги даврида шаҳарнинг суғориш тизими – учта дарвоза ҳамда шаҳарнинг тўртдан бир қисми экин еридан ташкил топган тўрт қисмга бўлиниб, уларнинг ҳар бири бош ариқ-оқсоқолга бўйсундирилган эди²⁴. Эътиборли жиҳати шундаки, Туркистон ва Авлиёота шаҳарларининг тизими айнан шу тарзда тўртга бўлиб бошқарилган²⁵. Мироббоши ихтиёрида 5 нафар кичик ариқ оқсоқол ҳам фаолият юритган. Ҳар бир мироббоши ўзининг ҳудудини ариқларга қараб 6 қисмга бўлиб, бир қисмини ўзи бошқариб, қолганини қўл остидаги бешта миробга бўлиб берган²⁶.

Сув маъмуриятининг хизмат ҳақлари тўғрисида турли манбаларда турлича маълумотлар келтирилган. Бунда ҳудудлар кесимида ҳам турли фарқларни учратиш мумкин. Масалан, Тошкент беклигида мироблар ўз хизматлари учун ойлик маош олмаган, шундай бўлса-да, маҳаллий беклар уларга ҳар йили қуйидагича миқдорда ҳадялар бериб турган: мироббошиларга 3 та чопон, эгар-жабдукли от ва 200 пуд²⁷ миқдорда ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кичик миробларга эса 1 тадан чопон,

²¹ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 64.

²² Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алиқули Амир Лашкар. ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, № 12136, 14-18 варақлар.

²³ Ўзбекистон Миллий Архивида Қўқон хонлигига тегишли давлат ва жамиятнинг турли масалаларига оид 3800 та ҳужжатлар ичидан сувдан фойдаланиш ва суғориш маъмуриятига алоқдор жами 15 та ҳужжат мавжуд – О.З.

²⁴ ЎзМА, И-1-жамғарма, 14-рўйхат, 578-йиғмажилд, 1-варақ.

²⁵ Гейнс А.К. Дневник 1866 года. Путишествие в Туркестан. – С. 285.

²⁶ Дингельштедт Н.А. Опыт изучения ирригации Туркестанского края: Сырдарьинская область. – С. 191-192.

²⁷ 1 пуд – 16 кг. Қаранг: Хинц В., Давидович Е.А. Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему: Е.А Давидович: Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – Наука, 1970. – С. 100.

жабдуқли от ва 100 пуд маҳсулот берилган, бундан ташқари, барча арик оқсоқоллари харож ва таноб солиқларидан озод қилинган²⁸.

Қишлоқларда эса суғориш маъмурияти аъзолари ўз меҳнатлари учун жамоадан ҳеч қандай ҳақ олишмасди. Фақатгина доимий назорат ҳамда тадбирларни талаб қиладиган, кўп вақт сарфлаш керак бўлган суғориш тарқмоқлари жойлашган ҳудудларда мироблар “кепсен” номи билан маълум бўлган алоҳида мукофот билан тақдирланишган²⁹.

Арик оқсоқоллар Туркистон ўлкаси деҳқончилигининг қон томири ҳисобланган ариқларни таъмирлаш ва тозалаш ишларидан ташқари унинг дахлсизлиги ҳамда хавфсизлигига ҳам жавоб берганлар. Одатга кўра, бош арик бўйидаги ерлар – “обраҳа”лар хусусий мулк бўла олмаган, балки ариққа тегишли, деб қаралиши керак эди³⁰. Мазкур қоида ариқлар атрофи бирор-бир иншоот билан ўралмаслиги ва ҳеч қандай тўсиқсиз кузатиш ҳамда назорат остида сақлаш учун жорий этилган. Хусусий мулк ерларига тегишли “обраҳа”ларни ер билан бирга сотиш ҳолатини мустамлака даври Тошкент қозилар дафтарида учратиш мумкин³¹. Бунда “обраҳа”нинг қадимийлигига эътибор берилган, яъни мавжуд ариқдан ер эгасининг янги “обраҳа”ни чиқаришига йўл қўйилмаган³².

Шундай қилиб, тарихий манбалар Қўқон хонлигида турли тарихий даврларда суғориш ишлари ташкиллаштирилгани ва ривожлангани, ҳукмдорлар суғориш тизимини қўллаб қувватлашга доим ҳаракат қилишгани ҳамда бу билан ўзларининг хонлик мавқеларини мустаҳкамлаганликлари тўғрисида гувоҳлик беради.

Диссертациянинг **“Мустамлака бошқарув ва Сирдарё вилояти ер-сув муносабатларидаги ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи бобида Туркистон Россия империяси томонидан забт этилгач, янги тузилган Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг **“Ер эгалигидаги ўзгаришлар, солиқ ва кўчириш сиёсати”** деб номланган биринчи параграфида мустамлака ҳукуматнинг ер эгалигида амалга оширган ўзгаришлари, кўчириш ва пахта сиёсати ҳамда унинг оқибатлари таҳлил қилинган.

Мустамлакачиликнинг илк даврида ер эгалиги масаласида рус ҳукуматининг биринчи иши солиқ йиғиш ишларини ташкил этиш бўлди. 1886 йилги “Низом”нинг қабул қилинишигача ўлка маъмурларнинг асосий ғояси Туркистондаги барча ерларни давлат мулкига айлантириб, аҳолини давлат ерларидан фойдаланиш учун белгиланадиган “оброк” солиғига тортиш бўлди. Фақатгина 1886 йилги “Низом” билан бу ғоя тўхтаб, хусусий мулкчилик қисман тан олинди, аҳолига ер “поземельный” солиғини юклаш белгиланди. “Оброк” эса давлат ҳисобидаги барча турдаги: экин ери, боғлар, томорқалар, қишлоқ хўжалик бинолари, бозор ерларидан фойдаланганлик

²⁸ ЎзМА, И-1-жамғарма, 14-рўйхат, 216-йиғмажилд, 23-варақ.

²⁹ Дингельштедт Н.А. Опыт изучения ирригации Туркестанского края. – С. 191.

³⁰ Пален К.К. Орошение в Туркестане. – С. 77.

³¹ ЎзМА, И-364-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғмажилд, 32а-варақ. 141-қайд, васиқаи байи бот.

³² Маллицкий Н.Г. Обычное право водопользования в Ташкентском районе и отношение его к шарияту. // Вестник ирригации. 1925. – № 4. – С. 25.

учун олинадиган бўлди. Бундай ерлардан аҳоли олдиндан 1/3 миқдорида гаров тўлаш шarti билан ижара асосида фойдаланар эди³³.

Туркистонда солиқдан тушадиган даромадлар 1897 йилга келиб, 1889 йилга нисбатан 65 фоизга ошган. Генерал-губернатор А.Вревский бу даромаднинг ошишининг асосий сабабини ер-солиқ ишларининг яхши ташкил этилгани билан изоҳлайди. Яъни ер солиғи 40 фоизга ошиб, 1897 йилга келиб 1 037 341 рублни ташкил этган³⁴. Йиллик “земский сбор” 1 миллион рублни ташкил этиб, шунинг ярмидан кўпроғи ўлка бошқарув, ер-солиқ идораларини молиялаштиришга сарфланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, солиқларнинг 2/3 қисми ўлкада ҳарбийларни сақлаш ва улар билан боғлиқ харажатларга ажратилган.

Шундай қилиб, XX аср бошларига келиб ҳам империя ҳукумати солиқларни доимий равишда ошириб бориш сиёсатини юритди. Ушбу даврда ўлкани тафтиш этган сенатор К.К.Пален ҳам солиқлар маъмурият томондан бир неча баробарга ошириб йиғилганини тасдиқлайди. Масалан, у ўз ҳисоботларида “1908 йилда Тошкент уездида солиқлар икки баробар оширилган... халқ солиқлардан қутулиш учун ерини сотишга мажбур бўлмоқда”, деб қайд этади³⁵. Кейинроқ, I жаҳон уруши бошланиши баҳонаси билан 1915 йилдан Туркистонда солиқлар миқдори оширилган³⁶. Ер эгаллиги соҳасида бу солиқ, асосан, пахтага тегишли эди.

Қарамлик даврида пахта масаласи ҳам Туркистон ер эгалари учун даставвал фаровонлик йўли сифатида қаралган бўлса-да, аксарият аҳоли учун охир-оқибатда ҳалокатли бўлиб чиқди. Мазкур давр рус тарихчисининг гувоҳлик беришича, пахта етиштириш ўлкада бир неча бор озиқ-овқат, хусусан, ғалла етишмовчилигини ҳам келтириб чиқарди³⁷. Ҳақиқатан ҳам, пахта сабаб, Тошкент бозорларида ун нархи кескин кўтарилиб кетган³⁸. Бундан ташқари, рус маъмурияти пахта ерларларидан ер солиқлари ва суғориш ишлари учун белгиланган солиққа қўшиб, давлатга алоҳида солиқ ундиришарди. Мазкур солиқ бошқа солиқлардан фарқ қилиб, пахта билан ундирилган.

Айтиш мумкинки, Туркистонни пахта етиштириб бериш майдонига айлантириш Россия империясининг ўлка қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борган ягона сиёсати эмас эди. Империянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсати икки асосий йўналишда олиб борилди. Булар, биринчидан, ўлкани арзон хомашё етказиб берувчи ҳудудга айлантириш бўлса, иккинчидан эса Россия империясининг ички губернияларидаги ерсиз деҳқонларни Туркистон ўлкасига кўчириш ва уларга ер ажратиш режасини назарда тутар эди.

Рус деҳқонларини Туркистонга кўчириш ҳаракати ўлка забт этилган даврданоқ бошланган бўлиб, XIX аср охирига келганда Туркистонга

³³ Оборочные статьи Туркестанского края. // Туркестанский сборник. Т. 435. – Ташкент, 1907. – С. 204-206.

³⁴ ЎзМА, И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 53а-йиғмажилд, 12-варак.

³⁵ Пален К.К. Поземельно-податное дело: [С прил.]. – Санкт-Петербург: тип. Гл. упр. уделов, 1910. – С. 187.

³⁶ Пересвет. Навые косвенные налоги и их значение для Туркестанского края. // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1914. – № 265. – С. 2.

³⁷ Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. – Ташкент: тип. Турк. Т-ва. печатн. дел, 1908. – С. 84.

³⁸ تاشکند بازاری. - باغچه سراي. // "ترجمان" غزيتہ سي، ۱۹۰۴ ييل، نومرو ۳۶ نچي.

кўчирилган рус аҳолисининг сони 248 000 кишига етди. 1895 йилгача Сирдарё вилоятида 45 та рус қишлоғи (посёлкаси) ташкил этилган бўлса, 1910 йилга келиб бу ҳудудда 7 минг 778 та ўзбошимча кўчиб келган кўчманчилар яшаган³⁹. XIX асрда рус деҳқонларининг Сирдарё ҳудудларига кўчирилиб, ер ажратилиши натижасида эса қозоқлар ўз ерларини сақлаб қолиш илинжида ўтроқ ҳаётга ўтишди. Масалан, 1911 йилда Авлиёота уезди Учқўрғон волостидан 96 та, Қурама волостидан 70 та ўтов эгаси ўзларини ўтроқ аҳоли ҳисобига қўшишни сўрашган⁴⁰.

Рус агрономи А.Шахназаровнинг таъкидлашича, айнан қарамлик даврида Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ижарачи деҳқонларнинг янги тури – ерсиз “батрақлар” ҳам пайдо бўлди⁴¹. Ушбу деҳқонлар оилавий қишлоқма-қишлоқ юриб маълум бир ҳақ эвазига кишиларнинг ерларида ишлашган.

Иккинчи бобнинг **“Сувдан фойдаланиш тартиби ва суғориш ишларидаги ўзгаришлар”** деб номланган кейинги параграфида сув хўжалигида рўй берган ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Ўлкада суғориш тизими маъмуриятининг ваколат ва мажбуриятларини, ер эгаларининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва сув муносабатларини тартибга солувчи, аҳолининг барча қатлами учун бир бўлган ирригация тўғрисидаги жиддий қонун 1877 йилга келиб, Тошкент эгаллангандан 12 йил ўтгач қабул қилинди⁴².

Суғорма деҳқончилик анъаналарини ўрганмай жорий қилинган ушбу қоидалар оқибатида империя ҳукумати Туркистон ер эгаларини янги бир тизимга олиб кирди ва ўлка сув хўжалиги тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда маҳаллий деҳқон ёки ер эгаси ўзи учун нотаниш бўлган қонунчилик тизимини ўрганиши, ўз ишини унинг кўрсатмаларига асосан юритиши керак бўлган рус бошқарув механизмининг бевосита иштирокчисига айланди. Бу қонун билан ҳукумат сув бошқарувини расман рус маъмурияти бошқарувига топширди. Сув маъмуриятига давлат томонидан тўланадиган маош жамоатчилик йиғимлари асосида шакллантириладиган бўлди⁴³. Бундан ташқари, янги суғориш иншоотларини барпо этиш, мавжуд суғориш тизимни таъмирлаш ишлари ҳам аҳоли ҳисобидан амалга оширилди эди.

Шундай қилиб, 1877 йилги “Туркистон ўлкасини суғориш тўғрисидаги муваққат қоидалар”нинг жорий этилиши натижасида Туркистон ўлкасида асрлар давомида амалда бўлиб келган сувдан фойдаланиш муносабатларидаги “одат” ва “анъаналар” мустамлака тузумнинг навбатдаги қурбонига айланди.

³⁹ М.Тулегенова. Переселенческая политика царизма в Казахстане в конце XIX – начале XX веков // Гуманитарлық зерттеулері № 1(13), 2012. – С. 69-73.

⁴⁰ ЎзМА, И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 5142-йиғмажилд, 1-варақ

⁴¹ Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – Санкт-Петербург: Тип. СПб. градоначальства, 1898. – С. 3-4.

⁴² Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего. – Ташкент: Типография Туркестанского т-ва печатного дела, 1911. – С. 21-22.

⁴³ ЎзМА, И-1-жамғарма, 14-рўйхат, 216-йиғмажилд, 53-варақ.

1886 йил 12 июлда Александр III томонидан тасдиқланган “Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги Низом”⁴⁴нинг 256-моддасида “Ариқлар, сойлар, дарё ва кўллардаги сувлар аҳолига “одат” бўйича фойдаланишга берилди”, деб белгиланди⁴⁵. Бу “Низом”да ўлкадаги сув ҳуқуқи соҳасига тегишли ягона банд бўлиб, аҳолига сувдан фойдаланиш “одат”га кўра амалга оширилиши белгиланди. Маълумки, сув ҳуқуқида Туркистоннинг турли ҳудудларида ўзига хос анъаналар шариат кўрсатмалари асосида шаклланган. Аммо қонунда “одат” тушунчасига изоҳ берилмаганди ва бу аҳоли ўртасида сувдан фойдаланишда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши табиий эди⁴⁶.

Мазкур даврга келиб сув маъмурияти мустамлака бошқарув механизмига айланиб, унинг тақдири маҳаллий бошқарув органлари қўлида эди. Энг аянчлиси, у хонлик давридаги мустақиллигини ва обрўсини йўқотди. Натижада ҳукумат томонидан аҳоли орасида сув маъмурияти таъсирини кучайтириш ҳамда тизим фаолиятини мустаҳкамлаш учун ариқ оқсоқол ва мироблар учун махсус кийимбош ва хизмат белгилари ишлаб чиқилди⁴⁷.

Суғориш тармоқларини тузатиш ва тозалаш ишларининг оғирлиги тамомила аҳолининг зиммасида эди. Ҳукумат янги “Низом”да ҳам “одат”га кўра бу ишлар халқ томонидан амалга оширилганини иддао қилиб, суғориш тизимида турли солиқ ва мажбуриятларни жорий қилди. Уларнинг орасида, айниқса, суғориш ишларига бепул ишлаб беришни назарда тутган⁴⁸.

Таъкидлаш жоизки, суғориш ишларига 20 йил ичида 36,4 миллион давлат маблағлари сарфланган бўлиб, сувдан фойдаланувчиларнинг суғориш тармоқларини сақлаш ва таъмирлаш учун сарфлаган харажатлари шу мақсадда ажратилган давлат маблағидан қарийб 2 баравар кўп эди⁴⁹.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон аҳолиси иқтисодиётининг асосини ташкил этган ер ва сув хўжалиги соҳаси Россия империяси мустамлакачилиги даврида қонуний ва ижтимоий-иқтисодий жабҳада ривожлантирилмади. Аксинча, мавжуд суғорма ерларда пахта монополияси ўрнатилиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат етиштириш имкониятлари чекланди. Аҳолига тегишли бўлган ерлар кўчириш сиёсати натижасида ноқонуний равишда тортиб олинди. Доимий равишда ўсиб борган солиқлар натижасида ўлка қишлоқ хўжалиги таназзулга юз тутиб, аҳоли иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушди.

⁴⁴ Положение об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2. – Санкт-Петербург, 1886.

⁴⁵ ЎзМА, И-1-жамғарма, 25-рўйхат, 16-йиғмажилд, 339-варақ.

⁴⁶ Мазкур масалага тадқиқотчи А.Базарбаев ҳам эътибор қаратган ва рус маъмуриятининг одатга изоҳ бермаганлиги натижасида аҳоли орасида сув устида турли тушунмовчиликлар келиб чиққанлигини қайд этган. Қаранг: Базарбаев А.М. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда аграр муносабатлардаги ўзгаришлар. Тарих фан. бўй. фалс. док. дисс. автореф. (PhD). – 53 бет.

⁴⁷ ЎзМА, И-17-жамғарма, 1-рўйхат, 21261-йиғмажилд. Об установление для арык-аксакалов и мирабов должностных знаков.

⁴⁸ Penati B. “A field upstream is better than a mirab brother”: who paid for water in Tsarist Turkestan // Workshop Water and Power. – OSU. 12-14 May 2016. p. 20.

⁴⁹ Духовный В.А., де Шуттер Ю. Вода в Центральной Азии прошлое, настоящее и будущее. – Kazak universiteti, 2018. – С. 127.

Диссертациянинг “Мустамлака даврида ер-сув муносабатларида шариат ва одат ҳуқуқи амалиёти” деб номланган учинчи бобида мустамлака даврида Сирдарё вилоятида анъанавий ер-сув муносабатлари амалиёти ва империя ҳукуматининг унга бўлган муносабати таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг “Ер-сув муносабатларида шариат ва одат ҳуқуқи амалиёти” деб номланган биринчи параграфида ер эгалиги ва сувдан фойдланишда шариат ва одат қоидалари амалиёти, қозилик ҳужжатлари каби масалалар ҳақида сўз юритилади.

Мустамлака даври ер эгалиги муносабатларига тегишли ривоят ҳужжатларининг мазмунига қараб “ибро”, “тамлик” (ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш – *О.З.*), “ижара”, “мерос”, “шуфъа” каби ҳуқуқий муносабатларга таснифлаш мумкин. Мазкур ривоятлар ислом фикҳининг турли масалаларини ўз ичига олган. Ҳатто айрим масалалар юзасидан империя маъмурияти ҳал эта олмаган муаммоларда аҳоли ўзининг анъанавий ҳуқуқий тизимига мурожаат қилиб ечим топган, дейиш мумкин.

Туркистонда қўшничилик муносабатларида “шуфъа” ҳуқуқи амалиётда кенг қўллангани ўша давр ер олди-сотди ҳужжатларида ва айрим маҳаллий тарихчиларнинг асарларида акс этган⁵⁰. Бу каби маълумотлар истилогача ўлкада қўшничилик ҳуқуқининг кенг амалиётда қўлланганини ва аҳоли учун одатий тушунчага айланганини билдиради. Шунингдек, ушбу шариат ҳуқуқининг ўлкада ердан фойдаланиш анъанасига айланганини Туркистон матбуотида эълон қилинган мақолаларда ҳам кўриш мумкин⁵¹. Айтиш мумкинки, ушбу ҳуқуқ русларнинг ер сотиб олиш имкониятларини чеклар эди. Бу ҳақда генерал-губернатор А.Б.Вревский императорга ёзган ҳисоботида қуйидагиларни билдиради: “маҳаллий ер эгалик тартибларини яхши билмаслигимиз шаҳар ташқарисида рус аҳолисининг ер сотиб олишига ва рус деҳқонларининг ўрта синфининг шаклланишига тўғаноқ бўлмоқда”⁵².

Империя ҳукумати Туркистонда қозилик маҳкамаларини сақлаб қолган бўлса-да, ушбу маҳкама фақат майда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга эди. Масалан, ер олди-сотди амалиётида қозиларга фақатгина нархи 300 рублгача бўлган хусусий ерлар учун васиқа расмийлаштириш ҳуқуқи берилиб, катта ўлчамдаги ерлар олди-сотдисини расмийлаштириш рус нотариуслари ваколатига ўтказилган⁵³. Шундай бўлса-да, ер олди-сотдиси васиқалари қозилар дафтарида расмийлаштирилиб, тўлақонли ҳуқуқий кучга эга бўлган ҳамда империя маъмурияти томонидан тан олинган.

Бундан ташқари, XX аср бошларига келиб, мустамлакачилар ўлкадаги мавжуд шариат ва одат қоидаларини ягона тизимга солишга ҳаракат қилдилар. Бунинг асосий сабабларидан бири Туркистоннинг турли ҳудудларида ўзига хос одат қоидалари шаклланган эди ва шариат

⁵⁰ Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма. № 2084, 5-варақ.

⁵¹ Обычное право пользования землей и ее обработка у туземцев. // Туркестанские ведомости. 1909. – № 104. – С. 24.

⁵² ЎзМА, И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 53а-йиғмажилд, 126-варақ.

⁵³ فيليه تون. (التاسل على دين ملوكهم) // "ترقي" غزيتة سى. ۱۹۰۶ يىل. ۵ ايول.

махкамаларининг кўрсатмалари ҳам бир хил эмасди. Буни ўлкани тафтиш қилган сенатор К.К.Пален ҳам таъкидлаб, унинг ўзи Тошкент қозилари ёрдамида маълум масалалар юзасидан шариат кўрсатмаларини йиғиб, тўплам сифатида нашр эттиради⁵⁴. Аммо бу тўпладан амалиётда ҳеч ким фойдаланмайди.

Учинчи бобнинг **“Империя маъмуриятининг вақф ерларига нисбатан олиб борган сиёсати”** деб номланган иккинчи параграфидида мустамлака маъмуриятнинг Сирдарё вилоятида вақф ерларига нисбатан юритган сиёсати таҳлил қилинган.

Империянинг барча соҳаларда бўлгани каби вақф мулкларига нисбатан мустамлакачилик сиёсати ўлкага генерал-губернатор К.П. фон Кауфманнинг келиши билан бошланди. К.П. фон Кауфман мулк эгаларини дунёвий, вақф эгаларини эса диний феодалларга тенглаштирди ва масаланинг ечимини Волгабўйида бўлгани каби мусулмон мулкдор синфни, шу жумладан, вақфларни йўқотишда кўрди. Бу ўлкадаги вақф мулкларига, қолаверса, ислом дини – маҳаллий аҳоли эътиқоди, анъаналарига нисбатан ўта кетган сурбетлик эди. 1869 йил ер тафтиш комиссиясига аҳоли томонидан тақдим қилинган вақфнома ҳужжатлари 1874 йил 27 июнда Сирдарё вилоят ҳарбий губернаторига эгаларига бериш учун қайтарилди. Вақф ва мулкларига оид жами аҳолига 2364 та ҳужжат қайтарилиб, шундан энг кўпи 1219 ҳужжат Тошкент уездига тегишли эди.

1881 йилга келиб, Сирдарё вилоятида вақф ерларидан тушадиган йиллик даромад 7000 рубл бўлиб, вақф ерларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келган⁵⁵. Аксарият қисми Тошкент шаҳри ва уездига тўғри келадиган Сирдарё вилоятида 2027 турдаги вақф мулклари мавжуд эди. Вақф ерлари миқдори бўйича 718 таси, яъни мавжуд вақфларнинг ярмидан оритиғи Амударё бўлимига, 113 таси Тошкент шаҳри ва 228 таси Тошкент уездига тегишли эди. Амударё бўлимида вақфга ажратилган мулкларнинг аксарияти экин ерлар бўлиб, айримларининг майдони минг танобга етарди. Ушбу вақф ҳужжатларида мазкур ерларни ҳар бир таноби учун бирдан уч ботмонгача дон ва жўхори тўлаш шарти билан ижарага бериш тартиби кўрсатилган⁵⁶. Ерни ижарага олган деҳқонлар ҳар йилнинг охирида дон маҳсулотларини вақф муассасалари эҳтиёжи учун топширишган.

Россия империясининг Туркистонда вақф мулкларига нисбатан юритган сиёсатини баҳолаб экан, Мунаввар қори Абдурашидхонов қуйидаги фикрларни қайд этади: “мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятни ривожлантириш учун таъсис этилган хос ва холис миллий сармоя”ни бутунлай давлат хазинасига ўтказиш тарафдорлари бўлиб, улар маҳаллий

⁵⁴ Шариатные статьи с переводом на русский язык о правовых отношениях мусульманского населения Туркестанского края, извлеченные из коренного, действующего арабского изложения, по вопросам, предложенным Сенатором графом К. К. Паленым на обсуждении комиссии ученых туземцев, созданных из трех областей края в Ташкенте. – Ташкент, 1910. – 76 с.

⁵⁵ ЎзМА, И-1-жамғарма, 25-рўйхат, 21-йиғмажилд, 9-варақ.

⁵⁶ К вопросу о вакуфах в Сырдарьинской области. – С. 27.

халқнинг доимо жаҳолатда қолиб, кул бўлиб туришини истаган мустамлакачилардир”⁵⁷.

К.П. фон Кауфман ва ундан кейинги генерал-губернаторлар даврида вақфларга нисбатан юритилган сиёсат, асосан, иқтисодий мақсадларни кўзлаган бўлса, 1898 йилдан бошлаб вазият тубдан ўзгаради. 1898 йилнинг 28 мартида С.М.Духовской⁵⁸ Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланади. В.П.Наливкин эса шу йили С.М.Духовскойнинг ислом дини бўйича маслаҳатчиси вазифасига тайинланди. Айнан ушбу шахслар даврида ўлкадаги мадраса ва мактаблар фаолиятига аралашиб, диний муассасаларни назоратга олиш ишлари бошланди. Албатта, бу назорат бевосита вақфларга ҳам таалуқли эди. Бу эса, ўз навбатида, Туркистон мусулмон жамиятининг норозилигига сабаб бўлди⁵⁹. Мазкур даврдан бошлаб рус ҳукуматининг вақфларга нисбатан ёндашувида иқтисодий манфаатлардан кўра сиёсий омил устунлик қила бошлади.

Санкт-Петербургда Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича янги Низом лойиҳасини муҳокама қилиш режалаштирилганлиги ҳақидаги сўнги маълумотлар 1916 йилга тўғри келади ва бу лойиҳа 1917 йилда империянинг қулаши туфайли амалга ошмади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ер эгаллиги ва суғориш тизимидаги одат, мусулмон тартиб ва анъаналари Россия империяси даврида ҳам Туркистон халқининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганди. Буни мавжуд қозилик ҳужжатлари ва ривоятлар тасдиқлайди. Фатво ривоятлари мустамлака даврида Туркистонда ер ва сув муносабатларини ёритишга доир қимматли тарихий ҳужжатлардан бири бўлиб, мазкур давр жамиятининг ҳуқуқий муносабатлари амалиётини ёритишдаги бирламчи манбалардан бўлиб хизмат қилади. Вақф ерлари масаласида эса рус ўлкада вақф ерларини юқорида қайд қилганимиздек, бутунлай тугатиш сиёсатини юритди. Бу сиёсат орқали ҳукумат иккита асосий мақсадни кўзларди: биринчидан, суғориш тизими йўлга қўйилган йирик вақф ерларини ғазна ҳисобига ўтказиб, давлат ерларини кўпайтириш, иккинчидан эса мавжуд вақф ерларидан давлат ҳисобига солиқ ундириш эди.

ХУЛОСА

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари доирасида амалга оширилган тадқиқот ва таҳлилий ўрганишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Россия империясининг боқинига қадар Қўқон хонлиги ва қисман Бухоро амирлиги таркибида бўлган Сирдарё вилояти ҳудудида ер ва сув

⁵⁷ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Б. 170.

⁵⁸ Сергей Михайлович Духовской – 1898–1900 йилларда Туркистон генерал-губернатори. *Қаранг:* Духовской. Ислам в Туркестане. Всеподданнейший доклад туркестанского генерал-губернатора. – Ташкент, 1899.

⁵⁹ Андижон кўзғолони ҳам айнан шу йили содир бўлиб, юқоридаги диний сиёсатининг натижаси ўларок вужудга келганди. *Қаранг:* Мухамедов Ш.Б. Историко-источниковедический анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864–1917). – С. 194.

муносабатлари ўзига хос тизимлаштирилган ва ягона тартиб асосида бошқариларди. Худудда хусусий турдаги “мулк” ва асосан, “хайрий вақф”, шунингдек, “жамоа ерлари” кенг тарқалаганлигини кузатиш мумкин. Ушбу худудда ўтроқ ва кўчманчи аҳоли истиқомат қилгани сабабли аҳолининг ижтимоий ҳолати ва аҳолининг ҳўжалик турмуш тарзи ҳисобга олиниб, айрим худудларда шариат ва айрим худудларда эса одат қоидалари амалиётга жорий этилган.

2. Хусусий ер эгалиги тегишли манба ва ҳужжатлар: хоннинг тархон ёрлиғи, мерос, олди-сотди васиқалари таҳлили хонлик даврида хусусий ер эгаларида ер дахлсизлиги ва унинг тасарруфидаги эркинлик бўлганилигини кўрсатади.

3. Ер эгалигида солиқлар ердан келадиган даромадга тегишли бўлиб, вилоятларда солиқ йиғимини бек, туманлар кесимида саркорлар амалга оширган. XIX асрнинг ўрталарига келиб, солиқ тизимига қарши норозиликлар бўлаганини кузатиш мумкин. Бу ҳолат мазкур даврдаги хонликда кечган оғир сиёсий вазият, тахт учун кураш, қўзғолонлар бўлгани билан изоҳланади.

4. Суғориш тизими масаласи Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида бўлгани каби Қўқон хонлигида ҳам давлат аҳамиятидаги масалалардан бири ҳисобланарди. Шу сабабдан ҳам янги суғориш тармоқларини очиш ва ариқлар чиқариш ишларига хонлар алоҳида эътибор билан қарашган. Суғориш маъмурияти фаолияти тизимлаштирилган бўлиб, хонликда бош мироблар, асосан, ҳарбийлардан тархон ёрлиғи асосида тайинланган.

5. Юқори бўғиндаги суғориш маъмурияти вакиллари меҳнатлари учун иш ҳақи олишмаган, қишлоқ ва овулларда фаолияти юритган кичик мироблар эса ариқ жамоалари томонидан сайланиб, иш ҳаққини ҳам ушбу жамоадан олган.

6. Россия империяси истилосига қадар ўлкада сувдан фойдаланиш тартиб қоидалари ва уларни бошқариш амалиёти ҳар бир худуднинг ўзига хос равишда аниқ ва тизимли равишда, шариат қонунлари ва маҳаллий одат уйғунлигида шаклланганлигини хулоса қилиш мумкин. Бу тартиб ҳатто Россия империяси истилосидан кейин ҳам ўлка сув ҳуқуқи тизимида бир қадар сақланиб қолди.

7. Мустамлака даврида Туркистон аҳолиси иқтисодиётининг асосини ташкил этган ер ва сув ҳўжалиги соҳаси на қонуний ва на молиявий жиҳатдан ривожлантирилмади. Империя маъмурияти аграр соҳани ривожлантиришдан манфаатдор бўлса-да, ушбу соҳага маблағ ажратмади.

8. Хонлик даврида табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, асосий экин турлари гуруч, шоли ва ғалла ҳамда боғдорчилик бўлган Сирдарё вилояти суғорма ерларида мустамлака ҳукумати пахта эктириб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат етиштириш имкониятларини чеклади.

9. Аҳолига тегишли бўлган ерлар кўчириш сиёсати натижасида ноқонуний равишда тортиб олинди. Бу вилоятда истиқомат қиладиган кўчманчи аҳоли ҳаёт тарзига салбий таъсир қилиб, уларнинг мажбурий

ўтроқлашувига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, деҳқончилик тажрибаси бўлмаган кўчманчи аҳолининг иқтисодий аҳволини оғирлаштирди.

10. Империя маъмуриятининг доимий равишда солиқларнинг оширгани натижасида ўлка қишлоқ хўжалиги таназзулга юз тутиб, аҳоли эса оғир иқтисодий аҳволга тушди. Натижада ўлкада аҳоли орасида ерсиз батрак деҳқонлар қатлами вужудга келиши ва қишлоқ хўжалигида бола меҳнатидан фойдаланиш каби салбий ҳолатлар кўпайди.

11. Сув хўжалигида минг йиллар давомида шаклланган суғориш анъаналари бузилди. Ўлка сув хўжалиги мустамлака ҳукумат манфаатларига бўйсундирилди. Империя ҳукумати Туркистонда сув ҳуқуқи, суғориш тизимини тартибга соладиган қонун ишлаб чиқмади.

12. Суғориш ишлари, сув иншоотларини таъмирлаш ҳукумат молиялаштиришисиз, халқ ҳисобидан амалга оширилди. Сирдарё вилоятида сув хўжалиги хонлик давридан бери мавжуд суғориш иншоотлари асосида фаолият юритди.

13. Мустамлака даврида ўлка ер-сув муносабатларини тартибга соладиган аниқ бир қонун-қоидаларнинг йўқлиги, ўлкада анъанавий тартиб-қоидаларининг сақланиб қолишига сабаб бўлди. Шундай анъаналардан бири шуфъа ҳуқуқи эди. Бу каби ҳуқуқнинг оммалашганини фақатгина ислом омили билангина эмас, ўлкада деҳқончилик жамоавий меҳнатни талаб этадиган суғорма деҳқончиликка асослангани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

14. Вақф ерлари масаласида эса империя маъмурияти ўлкада вақф ерларини бутунлай тугатиш сиёсатини юритди. Вақфларни тугатишдан мақсад сиёсий жиҳатдан ўлкада ислом омилини йўқотиш, иқтисодий жиҳатдан эса вақфлардан тушадиган даромадларни давлат хазинасига ўтказиш эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятида ер эгаллиги ва сувдан фойдаланиш тизимидаги мавжуд анъаналар ва мустамлака даврида рўй берган ўзгаришларнинг Ўзбекистонда ер мулкчилиги ҳамда сув ҳуқуқи тарихида тутган ўрнини ўрганиш давомида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Туркистонда суғориш тарихига оид ҳужжатлар тўпламини нашр қилиш ва миробларнинг қадимдан то ҳозиргача бўлган фаолиятини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганиш.

2. Мазкур диссертация келтирилган маълумот ва хулосалар Ўзбекистон тарихи бўйича Россия империяси мустамлакачилиги тарихи ёритилган мавжуд ўқув қўлланма ва дарсликларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш ва бирмунча ўзгартиришга асос бўла олади.

3. Ушбу тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тарих, ҳуқуқ, иқтисод, ирригация ва қишлоқ хўжалиги фанлар соҳаси доирасида махсус курсларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.02/30.12.2019.Tar. 56.01. ON AWARDING
ACADEMIC DEGREES AT THE INSTITUTE OF HISTORY OF THE
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
INSTITUTE OF HISTORY**

ODIL OLIMJONOVICH ZARIPOV

**THE SYSTEM OF LAND OWNERSHIP AND WATER USE IN THE
SYRDARYA REGION OF THE TURKESTAN GOVERNOR-GENERAL IN
1867–1917**

07.00.01. – History of Uzbekistan

**DISSERTATION ABSTRACT
of Doctor of Philosophy (PhD) of Historical Sciences**

Tashkent, 2022

The title of dissertation was registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of the Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2020.4.PhD/Tar308.

The dissertation has been prepared at the Institute of History.

The abstract of the dissertation was posted in three languages (Uzbek, English and Russian) on the web site of the Scientific Council (www.fati.uz) and on the web site of the Information-educational portal “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Scientific consultant: **Shuhrat Bakhronovich Mukhamedov**
Doctor of Historical Sciences

Official opponents: **Bakhtiyar Ergashevich Ergashev**
Doctor of Historical Sciences, Professor
Dilshodbek Jamoliddinovich Urakov
Doctor of Historical Sciences, Professor

Leading organization: **Bukhara State Univesity**

The defence of the dissertation will be held on “__” _____ 2022 at 14:00 at the meeting of the Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 on awarding academic degrees at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Address: 100047, 70 Yahyo Gulomov street, Tashkent city. The main building of the Academy of Sciences, room 110. Tel.: (99871) 233-54-70; Fax: (99871)233-39-91. e-mail: info@fati.uz. Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan).

The dissertation is available at Fundamental library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Registered number _____). (Address: 100170, 13 Ziyolilar street, Tashkent city. Tel: (99871) 262-74-58; fax: (99871) 262-34-41).

The dissertation abstract has been sent out on “__” _____ 2022
(Protocol of the mailing list № ___ from “__” _____ 2022)

Azamat Ziyo
Chairman of the Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of Historical Sciences, Professor

Kh.S. Jumanazarov
Scientific Secretary of the Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences

N.A.Allayeva
Chairman of the Scientific Seminar under Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of Historical Sciences.

Introduction (Abstract of PhD dissertation)

Actuality and necessity of the dissertation topic. The reduction of land and water resources in the world is becoming a crucial global problem in the world. In particular, the development of these problems in Asia has its historical roots, and it is continuously connected with colonialism which was experienced by most of the parts of the continent in the 19th and 20th centuries, and its land and water resources were enjoyed by colonialists. In this regard, studying historical roots of these issues is growing to the level of today's demand.

Scientific researches are being conducted on the study of the political, social and economic history of Turkestan under colonial rule in many scientific research centers of the world. The issues of land ownership, waqf property and agrarian sector which were the basis of the economy of Turkestan in the late 19th - early 20th centuries are also being researched in their studies. However, the lack of a thorough study on the history of land-water relations, the practice of Sharia rules in the land ownership and water management system during the colonial period and the influence of imperial legislation on it, changes in irrigation management and its impact on the national economy are waiting for their solution.

Nowadays, there is being paid special attention to the effective use of the new innovative achievements of science in the reformation of the agrarian sector, water and land relation system in Uzbekistan. Besides, it is actual to research the historical experience of this field in general history of Uzbekistan, and the task of “conducting research on the history of the statehood of the Uzbek people based on an objective approach and preventing the falsification of the past”⁶⁰ was put on the agenda since “thousands of people in these areas are suffering due the waste of water resources...”⁶¹. In this respect, the analysis of land and water problems in Turkestan during the colonial period on the basis of primary sources, the policy of the imperial government in the field of land ownership and water use in the area, and its impact on the socio-economic and political life of Turkestan are relevant.

The dissertation serves to a certain extent for the implementation of Presidential Acts of the Republic of Uzbekistan such as PA No 60 issued on January 28, 2022 “On the Development Strategy of New Uzbekistan designated for 2022-2026”, PA No. 6024 issued on July 10, 2022 “On the Approval of the Conception of Improving Water Economy of the Republic of Uzbekistan designated for 2020-2030”, PA No. 6243 issued on June 8, 2021 “On the Measures of Providing Transparency and Equality in Land Relations, Reliable Protection of Rights on Land, Turning them to Market Assets”, as well as the tasks designated in other normative documents on the issue.

⁶⁰ O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 18-maydagi “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasining yangidan tashkil etilgan ilmiy tashkilotlar faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 292-son qarori // <https://lex.uz/docs/3207162> (06.12.2021).

⁶¹ Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев: «Мы вместе построим наше общее прекрасное будущее» // Казахстанская правда // <https://www.kazpravda.kz/articles/view/shavkat-mirziyev-mi-vmeste-postroim-nashe-obshcheye-prekrasnoe-budushcheye>. (06.12.2021 йил)

Correspondence of research with the priority directions of republican science and technology development. The dissertation has been conducted in accordance with the priority directions of the development of republican science and technology I. "Formation of the system of innovative ideas and the ways of their implementation in social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the informed society and the democratic state".

The studied degree of the issue. A comprehensive analysis of historical literature depicts that this theme has not been studied as an independent object of scientific research. Because the history of land and water relations in the period of khanate and colonial regime of the region under the study in this dissertation is studied in comparison, there is a diversity and abundance of literatures which cover these issues. Considering that, the researches on the dissertation topic are divided into the following groups in accordance with chronological sequence:

1) works developed by 1917; 2) the researches conducted in Soviet period; 3) works published in the period of independence; 4) foreign studies.

The works of the first group have been scrutinized within the framework of economic and social issues of the history of Russian colonialism in Turkestan.⁶² The works of N. Dingelstedt, G. Cherdantsev, G. Gins, N. Bentselevich, A. Shakhnazarov, N. Grodekov, A. Middendorf, V. Rusinov, A. Dobromislov, V. Blagoveshanskiy are devoted to land and water relations. However, it should be acknowledged that their researches were conducted in the perspective of directing Turkestan's land and water resources to the interests of Russian Empire.

⁶² Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммеда-Али до Худаяр-Хана // Труды Восточного отделения Императорского археологического общества. Ч. 2. – Санкт-Петербург, 1856. – 370 с.; Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – Санкт-Петербург, 1867. – 72 с.; Романовский Д.И. Заметки по Среднеазиатскому вопросу (С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства). – Санкт-Петербург, 1868 – 293 с.; Кун А. Очерк Кокандского ханства. Известия Императорского Русского географического общества. Т. 12. №1. 1876. – С. 1-12; Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. – Санкт-Петербург, 1882. – 43 с.; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886. – 215 с.; Благовещенский В.И. К вопросу о вакуфах в Сырдарьинской области. Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области издание Сырдарьинского Статистического Комитета. Ташкент, 1891. – С. 21-22; Гродек, Н.И. Киргизы и каракиргизы Сырдарьинской области. Т.1. Юридический быт / Материал собран Вышнегорским Г. – Ташкент: Типолитография С.И. Лахтина, 1889. – 215 с.; Русинов, В. Водоземельные отношения и община у туркмен. – Ташкент, 1889. – 55 с.; Дингельштедт Н.А. Опыт изучения ирригации Туркестанского края: Сырдарьинская область. Ч. 1. Обычное право. Водное хозяйство; Ч. 2. Современное состояние ирригаций с пятью картами. / Николай Дингельштедт. – Санкт-Петербург, 1893. – 514 с.; Гейнс А.К. Собрание литературных трудов, т. II. – Санкт-Петербург, 1898. – 742 с.; Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. Типография брат. Пантелеевых. – Санкт-Петербург, 1898. – 33 с.; Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – Санкт-Петербург: Тип. СПб. градоначальства, 1898. – 512 с.; Шишов А.П. Таджики: этнографическое и антропологическое исследование. – Ташкент, 1910. Ч.1: Этнография. 1910. – 326 с.; Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего / Г.Н. Черданцев. – Ташкент, 1911. – 36 с.; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и в настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Типография Эл.-паров, типолит. О.А.Порцев, 1912. – 204 с.; Материалы по изучению хозяйства оседлого туземного населения в Туркестанском крае: Сартовское хозяйство в Чимкентском уезде Сырдарьинской области. – Ташкент, 1912. – 83 с.; Гинс Г.К. Основные начала проекта водного закона для Туркестана. – Санкт-Петербург: Типогр. Вайсберга Ф. и Гершунина П., 1912. – 76 с.; Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о проезде в Туркестанский край. – Санкт-Петербург, 1912. – С. 305; Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана. – Санкт-Петербург, 1914. – XIV, 249, VIII с.

The researches of the second group based on the principles of communist ideology and class theory⁶³. Despite that, it should be emphasized among these works there are the works by N. Mallitsky, E. Pokrovsky, A. Schmidt, and the works of Ahmad Zaki Walidy written in exile; as well as the works of A. Troitskaya, R. Nabiyev, A. Juvonmardiyev, which have special importance in terms of oriental studies and source studies⁶⁴. Because these authors used both archival materials and historical manuscripts to disclose the issues of agriculture and water economy.

It should be noted that the works⁶⁵ of H. Ziyoyev, N. Abdurahmonova, D. Ziyoyeva, S. Shodmonova, Sh. Muhammedov and dissertations⁶⁶ of U. Jumayev,

